

Date: 9th August-2026

СУД-ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАВИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИ ЎТКАЗИШ
ИМКОНИАТЛАРИ:

З.Ж.Муртазаев

Х.Сулаймонова номли РСЕМнинг Навоий вилоят
бўлими етакчи эксперти



Ўзбекистон Республикаси Вазир Маҳкамасининг 2023 йил 21 февралдаги 73-сон қарори билан тасдиқланган Наъмунавий Низомга асосан, Экспертиза муассасасида суд экспертизаси фуқаролик, иқтисодий ва жиноят ишлари (шу жумладан терговдан олдинги текшириш материаллари), маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг қарори, суд ажрими асосида ўтказилади.

Авваламбор "Суд экспертизаси нима учун керак" деган саволга жавоб берсак суд экспертизаси суд, тергов органлари иш юритувида бўлган суриштирув, суриштирувга қадар текширув терговга қадар текширув жараёнларида вужудга келадиган муаммоли вазиятлар юзасидан шунингдек иш ҳолатларини аниқлик киритишда махсус билимлар талаб этилган ҳолатларда ҳамда жисмоний ва юридик шахслар учун ўзларининг олдидаридаги муаммоли масалаларда ечим топишда амалий ёрдам кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази Навоий вилоят бўлимида бугунги кунда Суд қурилиш-техникавий ва суд ер экспертизаси ёўналишлари бўйича суд тергов органлари, жисмоний ва юридик шахслар мурожатларига мувофиқ қуйдаги экспертиза тадқиқотлари оўтказиб келинмоқда

Бино-иншоотларга бўлган баҳолаш ва кўп қаватли хонадонларда сув тошиш сабаблари бўйича, баҳоловчи нодавлат ташкилотлар томонидан тузилган баҳолаш ҳисоботларини илмий ва услубий жиҳатдан тўғри ёки нотўғри бажарилганлигини текшириш тадқиқотларини ўтказиш.

Ажратилган ер майдонларининг ҳақиқий ўлчамларининг ер ажратиш кадастр ҳужжатларидаги ўлчамлари билан мослигини текшириш тадқиқотларини ўтказиш.

Суд-ер экспертизаси - турар жой ва ноотурар бино иншоотлардаги ер майдонларини уларни бўлиб фойдаланиш тартибини белгилаш тадқиқотларини ўтказиш.

Суд-қурилиш экспертизаси - турар жой ва ноотурар бино иншоотларни қийматини аниқлаш ва уларни бўлиб фойдаланиш тартибини белгилаш ҳамда шахсий, умумий ҳиссадорлик мулки бўлган уй-жойларни бўлиб бериш ёки шахсий ҳиссасини ажратиб бериш, бунда эксперт уй-жойни, техник жиҳатдан ҚМҚ ва ШНҚга зид ёки мос тарзда қурилганлигини аниқлаш каби тадқиқотларини ўтказиш.

Ўзбекистон Республикасининг 2022-йил 3-августдаги ЎРҚ-786 сон қонуни билан (Ўзбекистон Республикаси "Адвокатура тўғрисида"ги, "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги

Date: 9th August-2026

қонунларига, Фуқаролик протсессуал кодексига, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига, Иқтисодий протсессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Мазкур қонунчилик ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга асосан,) адвокатларга иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий иш юритилаётганда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида ёки суд муҳокамаси жараёнида давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан шартнома асосида ишонч билдирувчи шахс розилиги билан экспертиза ўтказилишини сўраш, экспертиза хулосаси иш материалларига қўшиб қўйилишини ва суд томонидан ушбу хулоса ишдаги мавжуд далиллар билан биргаликда баҳоланишини талаб қилиш ҳуқуқи берилган. Шунингдек, Адвокат сўровига кўра экспертиза хулосасини олиш муддатлари давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари билан тузилган шартномаларда белгиланади деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази Навоий вилоят бўлими сиз азиз ватандошларимизга ҳаёт ва иш фаолиятингизда вужудга келиши мумкин бўлган ёхуд анчадан бери ечими топилмаётган муаммоли масалалар бўйича мурожатларингизни ҳар томонлама, тўлақонли, қонуний ва замонавий экспертиза имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тегишли тадқиқот ва текширишлар ўтказишни қисқа муддатларда кўриб чиқишга тайёрлигимизни билдириб қоламиз.

